

Киши зиёфатга таклиф қилинса, ўзи билан бошқа бир кишини эргаштирса айтиладиган нарсалар



04:41 / 19.08.2025 1522

Абу Масъуд Ансорий розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Бир киши беш кишилик таом ҳозирлаб, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам ва яна тўрт кишини таклиф қилди. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам ўзлари билан яна бир кишини олиб келдилар. Мезбоннинг дарвозаси олдига келганларида Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам уй эгасига: «Бу киши мен билан келди. Агар хоҳласанг, бунга изн бер, кирсин. Агар хоҳламасанг, қайтиб кетади», дедилар. Шунда уй эгаси: «Эй Расулуллоҳ, унинг киришига изн бераман», деди.

Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.

**Имом Нававийнинг «Ал-Азкор» китобидан
Таржимон Анвар Аҳмад**

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2290-рақамли хулосаси асосида тайёрланган.